

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШИ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ҲАМДАМОВ ЮСУФ ҚУДРАТОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ
ТАМОЙИЛЛАРИ, 1980-2013 ЙИЛЛАР
(назарий категориялар эволюцияси)**

10.00.09 – Журналистика (филология фанлари)

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Content of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Ҳамдамов Юсуф Қудратович

Ўзбекистон матбуоти ривожланишининг асосий тамойиллари, 1980-2013 йиллар (назарий категориялар эволюцияси)3

Хамдамов Юсуф Қудратович

Основные принципы развития печати Узбекистана, 1980-2013 гг. (эволюция теоретических категорий)27

Khamdamov Yusuf Kudratovich

Main principles of printing of Uzbekistan, 1980-2013 yy. (evolution theors categories).....50

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works54

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШИ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАМДАМОВ ЮСУФ ҚУДРАТОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ
ТАМОЙИЛЛАРИ, 1980-2013 ЙИЛЛАР
(назарий категориялар эволюцияси)

10.00.09 – Журналистика (филология фанлари)

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/50 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.nuu.md.uz) ҳамда “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Мўминов Файзулла Абдуллаевич
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Камилова Саодат Эргашевна
филология фанлари доктори, профессор

Каримов Баҳодир Нурметович
филология фанлари доктори, профессор

Мельник Галина Сергеевна
филология фанлари доктори, профессор
(Санкт-Петербург давлат университети)

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 рақамли илмий кенгаши асосидаги Бир марталик Илмий кенгашнинг «__» _____ 2022 йил соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 700174, Тошкент шаҳри, Форобий кўчаси, 400 уй. Тел: (99871) 246-08-62; (99871) 227-10-59; факс: (99871) 246-65-24; e-mail: nauka@nuu.uz. Ўзбекистон Миллий университети, Хорижий филология факультети (1-қават, 112-хона).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 700174, Тошкент шаҳри, Форобий кўчаси, 400 уй. Тел: (99871) 246-08-62.

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Г. Шереметьева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, филол.ф.д., профессор

Н.Э. Абдуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, филология фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

И.А. Сиддикова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси,
филол.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда жамиятнинг демократлашуви ва тараққиётида оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутди. Айниқса, оммага тезкор, долзарб мавзулардаги сифатли ва мазмунли ахборот етказиб беришда дастуриламал бўлиб хизмат қиладиган журналистиканинг назарий категорияларига талаб, муносабат ўзгарди. Бу эса, журналистика назарияси категорияларини қайта кўриб чиқиш, уларни оммавий ахборот воситаларининг замонавий талаблари асосида илмий тадқиқ этиш, мақбул томонларини оммалаштириш заруратини юзага келтирди. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган тадқиқотларда журналистика назарий категорияларининг ўрни, аҳамияти, мазмуни, кўриниши ўрганилган. Журналистиканинг назарий категорияларига нисбатан турфафикрлилик ва холислик нуқтаи назарининг шаклланишига бағишланган тадқиқотларни ривожлантиришга қатор халқаро илмий марказ ва илмий-тадқиқот муассасалари муносиб ҳисса қўшмоқда.

Дунё миқёсидаги халқаро медиамаконда замонавий ахборот коммуникациялари ва рақамли технологияларнинг ривожланиши оммавий ахборот воситалари фаолиятида ҳам туб бурилиш ясади. Техник имкониятлар олдинга ўринга чиқиб, илмий тадқиқотларда технократик ёндашув устуворлик қилмоқда. Ана шундай вазиятда дунё олимлари томонидан журналистиканинг назарий категориялари энг асосий муаммолардан бири сифатида тадқиқ этилишига зарурат туғилмоқда. Хорижий мутахассислар журналист дунёқарашидаги ўзгаришлар, журналист ижодида ахборот майдонидаги турли вазиятларнинг таъсири, журналистиканинг назарий категорияларидаги ўзгаришлар, журналистнинг янгича дунёқараш ва ёндашувлар асосидаги фаолиятини тадқиқ этишмоқда.

Мамлакатимизда сўнгги беш йил ичида янги жамият, ҳуқуқий демократик давлат барпо этилишига кўмаклашаётган янги тизим шаклланиши оммавий ахборот воситалари, матбуот ва сўз эркинлигининг очиклигига кенг йўл очиб берди. Давлатимиз раҳбари таъкилаганидек, “Биз бугун ҳуқуқий демократик давлат қураётган эканмиз, журналистиканинг бутун дунёда эътироф этилган, ўзгармас талаб ва мезонларига амал қилишимиз зарур. Бу мезонларнинг энг асосийси – холислик ва ҳаққонийликдир. Бинобарин, матбуот майдонига кирган инсон... – ана шу қоидаларга амал қилиши шарт”.¹ Бу борада оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган журналистларга журналистиканинг назарий категориялари, унинг муҳим бўғинлари ҳисобланган функция, принцип, метод (усул)лар, мазмун ва шаклини янгича талқинлар асосида тушунтириш асосий вазифалардан бири ҳисобланиб, бу муҳим жиҳатни илмий нуқтаи назаридан тадқиқ қилиш зарурати кучаймоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табриги <https://president.uz/uz/lists/view/3675>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги ПФ–4958-сон “Олий ўқув юртларидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ – 2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 9 августдаги ПҚ-3184-сон “Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш “Илҳом” жамоат фондиди ташкил этиш тўғрисида” 2017 йил 10 августдаги ПҚ-3195-сон “Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 15 августдаги ПҚ-3201-сон “Маданият ва санъат ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш, соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2019 йил 2 февралдаги ПҚ-4151-сон “Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг 1. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-марифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи².

Ҳозирги вақтда журналистиканинг назарий категорияларини ўрганишга оид тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари, ЮНЕСКОнинг маҳаллий ОАВ Халқаро тадқиқотларни амалга ошириш дастури Universite de Tours (Франция), Universite Leupzig (Германия), Universite Mara (Малайзия), Universite Budapesht (Венгрия), М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети (Россия), Санкт-Петербург давлат университети (Россия), Урал федерал университети (Россия), Белоруссия давлат университети (Белоруссия), Ал-Форобий номидаги Қозоғистон миллий университети (Қозоғистон), шунингдек, Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Қорақалпоғистон давлат университетида олиб борилмоқда.

Шу кунгача журналистиканинг назарий категорияларини янгича ёндашув ва концепциялар ёрдамида тадқиқ қилиш борасида

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <https://unesdoc.unesco.org/>; <https://www.univ-tours.fr/>; <https://www.uni-leipzig.de/>; <https://www.uitm.edu.my/index.php/en/>; <https://www.unipage.net/>; <https://www.msu.ru> <https://arts.unimelb.edu.au/nceis/>; <https://www.spbu.ru/>; <https://urfu.ru/>; <http://bsu.by/> <https://nuu.uz/>; <https://www.uzswlu.uz/> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

журналистиканинг ижтимоий институт сифатида кўриниши, функциялари, принциплари (Universite Leipzig), журналистиканинг олдида қўйган вазибалари, принциплари масалалари кўриб чиқилганлиги (Universite Vena), журналистиканинг метод (усул)лари, улардан фойдаланишнинг муҳим йўллари аниқланганини (Universite Mara), журналистика назарий категориялар тизимининг ўрганилгани (М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети), журналистика типологияси ва самарадорлигининг ўрни аниқлангани (Санкт-Петербург давлат университети), журналист ижодида мазмун, шакл категориялари ва уларнинг хусусиятларини аниқланганлиги (Белоруссия давлат университети), журналистика функцияларининг демократик жараёнлардаги ўрни, журналистика принципларининг ахборий жамиятдаги эволюцияси таҳлил қилингани (Урал федерал университети), журналистиканинг назарий категорияларига кирувчи жанрлар, уларнинг хусусиятлари атрофлича таҳлил қилингани (Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон миллий университети) каби ютуқларни таъкидлаш мумкин.

Ҳозирги кунда янги жамият барпо этилишида журналистика институтининг ўрни, журналистика назарий категорияларининг функция, принциплари ва журналистиканинг ижод усуллари мазмун, моҳияти очиб берилгани (Ўзбекистон Миллий университети), журналистика жанрларининг ОАВларидаги ўрни, аҳамияти аниқлангани (Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети), янги давр журналистикасида ижодий маҳоратнинг ўрни ва аҳамиятини аниқлангани (Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети), публицистика назариясида асарнинг мазмун ва шакл муаммолари аниқлаштирилгани (Қорақалпоғистон давлат университети) каби амалга оширилган ишларни таъкидлаш мумкин.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Журналистиканинг назарий категорияларини ўрганиш анча йиллардан буён олимларнинг диққат-эътиборини тортиб келмоқда. Бу муаммо бўйича қатор олимлар, тадқиқотчиларнинг илмий ишлари, диссертациялари, ўқув қўлланма, маърузалари нашр қилинди. Олимларнинг илмий ишларидан назарий категориялар масалаларига умумназарий асосида фикр билдирилган.

Назарий категория – энг йирик, мураккаб, шу билан бир қаторда, назариянинг муҳим йўналишини умумлаштирган тарзда аниқ ифодаловчи назарий тушунчадир. Назарий категориялар мажмуаси фаннинг концепцияси, асосини ва яхлит тизимини ташкил этади. Зеро, эски қолипларда яратилган маълум назария ўқувчига янгилик бермайди, ўзига жалб қилолмайди. Айтиш керакки, назарий категориялар эволюциясида янгиланиш ва тамойилларни ўрганиш тақозо этилади.

Дунёнинг кўплаб журналистика марказлари, олий ўқув юртлари журналистика факультетларида шу нуқтаи назардан қаралганини кузатамиз. Илмий тадқиқотларда мавзунинг қўйилиши, назарий категорияларнинг тизими сифатида: 1. Объект ва предмет. 2. Принциплар. 3. Функциялар. 4. Метод (усул)лар. 5. Мазмун ва шакл хизмат қилиши, бу категорияларни

аниқлаш ва таснифлаш масалаларининг фундаментал асоси, тараққиётини белгилаш бўйича жаҳон ва қардош халқлар журналистикасида муайян илмий изланишлар олиб борилган. Хусусан, жаҳон журналистикасида К.Ж.Бертран, П.Тамаш, К.Норденстренг, Е.П.Прохоров, В.М.Горохов, С.Г.Корконосенко, В.В.Ворошилов, А.А.Тертычный каби олимлар ўз тадқиқотларида журналистика категорияларининг асосий бўғинлари ҳисобланган объект ва предмет, функциялар, принциплар, метод (усул)лар, мазмун ва шакл билан боғлиқ муаммоларни кун тартибига қўйиб, уларга доир ўз қарашларини билдириб ўтганлар.

Ўзбек журналистикасида Ф.П.Нестеренко, М.Худойкулов, Ф.А.Мўминов, Н.А.Абдуазизова, Қ.Т.Ирназаров, П.И.Мўминова, Х.Н.Дўстмухамедов, Я.М.Маматова, Д.Бекбаулиев, А.Абдумуратов, О.Тошбоев³, Т.Машарипова⁴ каби олимларнинг илмий ишларида ўз мавзулари нуқтаи назаридан муҳим фикрлар илгари сурилган. Айтиш жоизки, бу соҳада яратилган фундаментал илмий ишларни журналистиканинг назарий категориялар эволюцияси, шунингдек, ўзбек матбуоти тарихи ва назариясининг муҳим жиҳатларини имкон даражасида ёритишга бағишланган ишлар сирасига киритиш мумкин.

Профессор Ф.А. Мўминов журналистиканинг самарадорлигини атрофлича очиб берган бўлса,⁵ тарих фанлари доктори Н.А.Абдуазизова Ўзбекистонда чоп этилган ижтимоий-сиёсий, адабий-бадний журналларнинг тарихий – тадрижий таснифи масалаларини тадқиқ қилган⁶. Филология фанлари номзоди Б.А.Дўстқораевнинг журналистика тарихига бағишлаган дарслиги эса, илк марта биринчи манбалар асосида яратилди. (Дўстқораев Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. -Т.: Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009.); Филология фанлари доктори М.Худойкуловнинг қатор ўқув қўлланмаларида журналистика жанрлари, хусусан, сатирик жанрларнинг хусусиятлари атрофлича ўрганилган⁷. Ўзбекистонда журналистикани илмий асосда ўрганиш бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар яратилди⁸. Жумладан, ўзбек журналистикасида ҳам ҳозиргача матбуот ривожланиши асосий тамойилларининг назарий категориялар эволюцияси

³ Бертраж К.Ж. Кибержурналистика //Среда, 2004, №3; Фомичёва И.Д. Социология СМИ. –М.:Аспект Пресс, 2007; Прохоров Е.П.Введение в теорию журналистики. -М.:Аспект Пресс, 2015; Горохов В.М.Основы журналистского мастерства. –М.: Высшая школа, 1989; Корконосенко С.Г. Основы журналистики. -М.: Аспект Пресс, 2002; Ворошилов В.В.Журналистика. -Санкт-Петербург, 2000; Тертычный А.А.Жанры периодической печати. -М.: Университет, 2002; Нестеренко Ф.П., Миралимов Ш.А. Журналистика: координаты профессии. –Т.:Zarqalam, 2001. Худойкулов М.Журналистика ва публицистика, -Т.: Университет, 2008;

⁴ Машарипова Т.Ж. Публицистика назариясида асарнинг мазмун ва шакл муаммолари (Қорақалпоғистон Республикаси матбуоти материаллари мисолида). Филол. фан. докт. (PhD) дисс. автореф. -Т., 2017

⁵ Мўминов Ф.А.Журналистика ижтимоий институт сифатида.-Т: Университет, 1998;

⁶ Абдуазизова Н.А.Мустақил Ўзбекистон журналистикаси, -Т.:Akademiya, 2007.

⁷ Худойкулов М.Журналистика ва публицистика, -Т.:Университет, 2008.

⁸ Маматова Я.М. Современная периодическая печать Узбекистана: система, тематика, тенденции и проблемы функционирования. - Т.: Национальное общество философов Узбекистана, 2006; Абдимуратов А. Публицистика Тулепбергенова Каипбергенова: специфика, тематика, жанрово-стилистические особенности. Автореф на соиск. канд филол.н -Т., 1997; Тошбоев О. Миллий истиклол мафқурасининг шаклланишида матбуотнинг ўрни. Филол.фан.н.дисс. автореф. -Т., 1999.

билан Ўзбекистонда фаолият юритаётган матбуот нашрлари мисолида тадқиқ этиш, хусусан, Ўзбекистонда янги жамият барпо этилишида журналистика институтининг ўзига хос ўрни, демократик ўзгаришлар жараёнида журналистика функцияларининг ўрни, ахборот жамияти юзага келиши жараёнида журналистика принципларининг эволюцияси, журналистиканинг ижод усуллари каби муҳим жиҳатларга бағишланган алоҳида илмий-тадқиқот ишлари мавжуд эмас. Шу нуқтаи назардан қаралганда, айниқса, назарий категориялар эволюциясига шу куннинг нуқтаи назаридан ёндашиш, тадқиқ қилиш долзарб ҳисобланади.

Мазкур диссертацияда ўзбек матбуотининг 1980-2013 йиллардаги ривожланишининг асосий тамойиллари, назарий категориялари эволюциясининг ўзига хос хусусиятлари, шўролар сиёсати асосида қурилган мустабидлик даври билан мустақиллик даври газеталари фаолиятининг қиёсий таҳлили ҳамда журналистлар томонидан тайёрланиб, марказий газеталарда босилиб чиққан материалларнинг жанрлар эволюцияси ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари атрофлича тадқиқ қилинган.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот мавзуси Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқотлар режасининг “Журналистика, оммавий коммуникациялар назарияси ва амалиётининг долзарб масалалари” мавзусидаги илмий-тадқиқот доирасида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади. Ўзбекистон матбуоти ривожланишининг асосий тамойиллари, назарий категориялари эволюциясини 1980-2013 йиллар давомида Ўзбекистонда босилган вақтли матбуот нашрлари мисолида очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари.

жаҳон журналистикасидаги сўнгги янгиликларни ўрганиб, оммавий ахборот воситаларидаги янги ўзгаришлар ва журналистиканинг назарий категориялари оид илмий-назарий концепцияларни умумлаштириб, таҳлил қилиш;

янги давр журналистикасида журналистика назарий категорияларининг ўрни ва аҳамиятини кўрсатиб бериш;

журналистиканинг назарий категорияларини илмий ва амалий жиҳатдан тадқиқ қилиш;

глобаллашув шароитида журналистика категориялари оммавий ахборот воситалари фаолиятида давр нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда мослашаётгани ва унинг истиқболларини белгилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон журналистикасида газеталарнинг бугунги кундаги аҳамиятини аниқлаш, газеталар таҳририятларида ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш ва янги кўринишдаги назарий категорияларни татбиқ этишнинг мақбул жиҳатларини ўрганиш:

Ўзбекистон газеталарида босилиб чиқаётган материалларда журналистиканинг назарий категориялари қай даражада ўз ифодасини топаётганини кўрсатиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти республикамизда фаолият кўрсатаётган етакчи даврий нашрлардан “Халқ сўзи”, “Народное слово”, “Правда Востока”, “Янги Ўзбекистон”, “Қишлоқ ҳаёти”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, сиёсий партиялар газеталари: “Ўзбекистон овози”, “Адолат”, “XXI ASR”, “Миллий тикланиш”, шунингдек, “Хуррият”, “Моҳият” каби мустақил газеталар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини айтиб ўтилган газеталарда босилган турли жанрлардаги материаллар, шунингдек, ушбу нашрлар етакчи журналистлар ижодининг хусусиятлари, услуб ва тили эволюцияси, газеталарнинг ривожланиш тамойиллари, даврий матбуотнинг функцияларидаги ўзгаришлар, матбуотдаги жанрлар тараққиёти заминида ўрганиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тарихий-қийсий, қийсий-типологик, социологик, статистик, ахборот-таҳлил, умумлашма кузатув усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон газеталари фаолиятини янги давр журналистикаси талаблари асосида янгилаш, журналистика назарий категорияларини янада янги босқичга олиб чиқадиган медиаконвергенцияларга имкон даражасида мослаштириш, аудитория талабини эътиборга олиш каби омиллар асосланган:

журналистика назарий категорияларининг янги давр нуқтаи назари билан таснифлаш, унинг имкониятларидан оммавий ахборот воситалари фаолиятида унумли фойдаланиш, хусусан, газеталарни мазмунли чиқиши ва ўқишли бўлишида маълумот етказиш, маданий-маърифий, ташкилотчилик ва дам олдириш (кўнгилочарлик) каби функциялар ўз самарасини бераётганлиги далилланган;

жамоатчилик фикрини шакллантириш ва оммани тезкор, янги ахборот билан таъминлашда журналистик маҳоратнинг ўрни, аҳамияти юқори даражадалиги, журналистик фаолиятда журналистиканинг назарий категориялари сирасига кирувчи холислик ва ҳаққонийлик, оммавийлик, ватанпарварлик ва байналминаллик, бетарафлик ва партиявийлик принципларидан янги давр нуқтаи назари билан унумли фойдаланилгани ва бу омиллар ўз натижасини бераётгани исботланган;

жаҳон тажрибасидан ўтган замонавий модификацияларни газеталар таҳририятига жорий этиш уларнинг рейтингини кўтаришнинг муҳим омили эканлиги, газеталарда босилиб чиқаётган материалларнинг мазмуни, сифати, таъсирчанлиги, жамиятдаги ижтимоий муаммоларни кўтариб чиқиш ва танқидий ёндашиш мустабидлик даврига нисбатан фарқ қилиши, айтилган вақтларда газеталар учун материаллар тайёрлашда давр нуқтаи назари билан ёндашилиб, далиллар, тил ва услуб, жанр имкониятларидан унумли

фойдаланиш кенг тус олгани далилланган;

журналист ижодида мазмун ва шакл категорияларидаги ижобий ўзгаришлар, яъни шаклга нисбатан мазмун муҳим аҳамият касб этаётгани масаласига бугунги кун талабларидан келиб чиқиб ёндашилаётгани, бу омиллар бевосита матбуотнинг ривожига ижобий таъсир этаётгани газеталарда босилиб чиққан материаллар таҳрири асосида далилланган;

жамият маданий ва ижтимоий ҳаёти оммавий ахборот воситалари, хусусан, матбуот фаолияти ва унинг тамойилларига янгича назар ва ҳозирги замон нуқтаи назари билан ёндашишни тақозо қилиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

журналистиканинг ижтимоий институт сифатида жамиятдаги муҳим ўрни, унинг таркибидаги барча тизимлар ёрдамида оммага ижтимоий аҳамиятга молик ахборотларни етказиб бериши, ижтимоий муносабатларда аниқ позицияси борлиги ва жамиятдаги ижтимоий жараёнларга фаол таъсир кўрсатиши ҳақидаги назарий асосларига доир илмий қарашлар такомиллаштирилган;

ўзбек журналистикасининг функциялари матбуотда ўзига хос тарзда акс этаётгани ҳақида батафсил тўхтанилиб, функциялар маълумот етказиш, маданий-маърифий, ташкилотчилик, дам олдириш (кўнгилочар) кабиларга ажратиб тадқиқ қилинган. Журналистиканинг функциялари билан боғлиқ масалаларга муносабат билдирилиб, бир қатор янгиликлар киритилган;

журналистиканинг принциплари халқчиллик ва оммавийлик, холислик, ҳаққонийлик ва бетарафлик, ватанпарварлик ва байналминаллик кабиларга бўлиб ўрганилган ва уларнинг ўзбек матбуотидаги ўзига хос жиҳатлари аниқланган;

журналистиканинг ижод усуллари матбуотнинг ўз ўқувчиси, мухлисларини топиб олиши, аудиторияни ўзига жалб қилишида муҳим ўрин тутиши, журналист фаолиятида публицистик, бадиийлик ва социологик усулларнинг ўрни ва аҳамияти белгиланган;

журналист ижодида мазмун ва шакл категорияларига кирувчи журналистика асари мазмуни, шакл — журналистика асарининг кўриниши, мазмун эса унга сифат ва мантиқ бағишловчи омил эканлиги, журналистик асарда услуб ва тилнинг ўрни, вазифалари аниқланган;

Ўзбекистон матбуотидаги жанрларнинг хусусиятлари, уларнинг газеталарда ўз аксини топиши, қўлланиш даражаси, жанрлар таркибидаги трансформациялар бўйича тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги журналистиканинг назарий категорияларига оид ўзбек ва хорижий олимлар томонидан амалга оширилган фундаментал илмий-назарий қарашлар кенг ўрганилгани; ишда фойдаланилган назарий маълумотларнинг ишончли илмий ва бадиий манбалардан олинганлиги, назарий фикр-таклифларнинг амалиётда кенг қўлланилгани, шунингдек, тадқиқот йўналиши ва илмий изланиш моҳиятидан келиб чиқиб, илмий-назарий хулосалар чиқарилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти журналистика назарий категориялари эволюциясини янги талқин қилиш; ўрганилиши нуқтаи назаридан кенг қамровда махсус талқин этилиши; функция ва принциплари бугунги кун билан боғлаб ўрганилиши; назарий категорияларни илмий таҳлил доирасида тортилиши; тадқиқот натижалари, ундаги таҳлил усуллари назарий категорияларга янги ёндашув ўзбек журналистикаси тарихи ва назариясининг янада бойишига хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация хулосалари ва тавсияларидан журналистика тарихи ва назарияси фанининг ривожланишига маълум ҳисса бўлиб қўшилиши, илмий хулосалардан республикамиз олий ўқув юртлиридаги журналист кадрлар тайёрлайдиган факультетлари талаба, магистр, мустақил изланувчилар, докторантлар учун дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш, маъруза ва семинар машғулоти мазмунини бойитиш, малакавий битирув ишлари, магистрлик диссертациялари ёзишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон матбуоти ривожланишининг асосий тамойиллари, шунингдек, назарий категориялар эволюцияси масалалари тадқиқи юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

мустақиллик даврида матбуот яккаҳокимлик ва яккапартиявийлик таъсири остида фаолият юритишга мажбур этилгани, шу боис матбуот давлат билан халқ ўртасидаги воситачилик ролини тўлақонли бажара олмани, бунинг сабаб ва оқибатлари юзасидан олинган хулосалардан Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан ўтказилган тарғибот ва ташвиқот фаолиятида материаллар ва ўқув қўлланмалар тайёрлашда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2019 йил 20 декабрдаги 02/07-16279-сон маълумотномаси). Натижада мазкур илмий хулосаларнинг амалиётга татбиқ қилиниши ахборот воситалари орқали амалга оширилаётган мафкуравий тазйиқларнинг олдини олишга ҳамда Интернет сайтлари, мобил мессенжерлар воситасида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ижтимоий-иқтисодий ислохотларни аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тушунтириш ишларига қаратилган онлайн сўровномалар, муҳокамалар ва мулоқот майдонларини ташкил қилиш каби вазифалар ижросини таъминлашга хизмат қилган;

мустақилликни мустаҳкамлаш, халқимиз қалби ва онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш йўлида салмоқли ишлар олиб бораётган матбуотнинг ўзига хос қирраларини очиб беришда мустақиллик даври билан ҳозирги давр фарқлари юзасидан олинган хулосалардан Қўмита тадбирларидаги маърузалар мазмунини бойитишда ҳамда Миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари иш жараёнини такомиллаштиришга бағишлаган илмий-амалий семинарларда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий давлатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг 2019 йил 10

декабрдаги 02-09--2278-сон маълумотномаси). Натижада тадқиқотнинг тахлилий илмий хулосалари 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи устувор йўналишида ҳамда “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда хизмат қилди.

журналистиканинг ижтимоий институт сифатидаги фаолиятининг илмий қарашлар асосида янгича тарздаги таснифи ҳамда жаҳон журналистикасининг хабар бериш, назорат, боғловчилик, текшириш каби функцияларининг ўзига хослиги юзасидан далилланган хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг 2020 йил 5 февралдаги 05/2-627-сон маълумотномаси). Натижада бу эса республика даврий нашрларида мазкур йўналишдан унумли фойдаланиш, мутаносибликка эришиш борасидаги муаммоларни очиқ беришга ҳамда журналист ижодида мазмун ва шакл категорияларидан фойдаланишда мазмунга кўпроқ эътибор қаратиш лозимлигига хизмат қилган;

журналистика назарий категорияларининг асосий кўринишларидан бири ҳисобланган жанрларнинг ўрни, аҳамияти, ўзига хос хусусиятлари, журналистларнинг жанр имкониятларидан янгича ёндашган ҳолда ва унумли фойдаланишлари бўйича асосли тавсия ва таклифлардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг амалий ишларида фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2019 йил 20 декабрдаги № 02-35-2679-сон маълумотномаси). Натижада бу Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси телекўрсатув ва радиоэшиттиришларининг мазмунли, таъсирчан ва самарали бўлиши, шунингдек, ўзига катта аудиторияни жалб қилишга хизмат қилган;

журналистиканинг ижод усуллари устида олиб борилган самарали ишлар ва улардан фойдаланиш бўйича берилган тавсиялар мамлакатимизнинг босма нашрлари, телевидение, радио, интернет ва ахборот хизматларида ишлаётган журналистларнинг ижодий фаолиятларида фойдаланилган (Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг 2019 йил 20 ноябрдаги 15/457-сон маълумотномаси). Натижада журналистик асар мазмуни, журналистик асарда тил ва услуб долзарб мавзудаги мақолаар ёзиш, омманинг эътиборини тортадиган кўрсатув ва эшиттиришлар тайёрлаш, ижтимоий тармоқларда тезкор ва қизиқарли материаллар тайёрлашда хизмат қилган;

босма нашрларни тайёрлашда тил имкониятларидан имкон даражасида фойдаланиб, ўзига хос услубда турли жанрлардаги материаллар тайёрлаш борасидаги хулосалардан соҳада хизмат қилаётган ижодкорларнинг тезкор ва таъсирчан материаллар тайёрлашларига кўпроқ эътибор бериш ҳамда “Оммавий ахборот воситаларининг тили ва услуги” мавзусидаги лойиҳа доирасида фойдаланилган (Миллий матбуот марказининг 2019 йил 06

декабрдаги 01/304-сон маълумотномаси). Бу янги илмий хулосалар Интернет ва босма нашрлар, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар фаолиятининг сифат жиҳатдан яхшиланишига хизмат қилган;

Ўзбекистонда янги жамият барпо этилишида журналистика институтининг ўрни, демократик ўзгаришлар жараёнида журналистика функцияларининг ўз олдига қўйган вазифалари ва ахборот жамияти юзага келиши жараёнида журналистика принципларининг эволюцияси, журналистиканинг ижод усуллари, журналист ижодида мазмун ва шакл категориялар ҳақида тушунча ҳосил қилиш ва ёшларнинг билимини бойитишда “Тараққиёт мезони” монографиясидан фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 5 декабрдаги 89-03-4748-сон маълумотномаси). Натижада илмий-тадқиқот иши ёшларни журналистиканинг назарий категориялари ҳақида зарур маълумотлар билан таъминлаш ҳамда назарий билимларини такомиллаштириш ҳамда амалиётга қўллашларига муҳим манба бўлиб хизмат қилган;

амалиётчи журналистлар учун назарий категорияларга кирадиган шакл ва мазмуннинг ўрни, аҳамияти, замонавий жанрлардан унумли фойдаланишнинг долзарблиги ҳамда журналист ижодида бу муҳим омиллардан фойдаланиш, айниқса, ёш журналистларнинг билими ва тажрибасини ошириш бўйича маърузалар ташкил қилиш, тренинглар ўтказишга оид ишлаб чиқилган тавсиялардан “Муҳаррирликка ихтисослашган журналистларнинг касб – малакасини ошириш” амалий лойиҳасида фойдаланилган (Мустақил оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонднинг 2019 йил 24 ноябрдаги 1/Р 86-сон маълумотномаси). Натижада ушбу таклифларнинг амалиётга жорий этилиши билан боғлиқ тавсия, кўрсатмалар матбуот соҳасида фаолият юритаётган журналистлар, айниқса, ёш авлоднинг илмий салоҳияти ва касбий маҳоратининг ошишига хизмат қилган;

журналистиканинг ижод усуллари, журналистик асар мазмунининг назарий ва амалий масалаларига доир асосланган хулосалардан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг анъанавий “Йил публицистикаси” амалий лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2019 йил 12 декабрдаги 01-03-01/1461-сон маълумотномаси). Натижада соҳа ижодкорларининг журналистика ижод усуллариининг замонавий тамойиллари, даврий нашрларда публицистик асарларнинг қай даражада ўз ифодасини топаётганлиги, журналистнинг жамиятдаги ўрни, мамлакатимизда кейинги йилларда матбуот ва сўз эркинлиги борасида олиб борилаётган амалий ишлар ҳақидаги тасаввурларини ошириб, амалиётчи журналистлар, айниқса, соҳага эндигина кириб келаётган ёшларнинг билим ва тажрибаларининг мукаммал бўлишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича 37 та илмий иш эълон қилинган. Шулардан 1 та монография, 1 та ўқув қўлланма, ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 23 та мақола, жумладан, 20 таси республика ҳамда 3 таси хориждаги илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, беш боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 240 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурлиги асосланиб, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги кўрсатилиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Шунингдек, тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг I-боби **“Ўзбекистонда янги жамият барпо этилишида журналистиканинг ўрни”** деб номланган. Бобнинг **“Журналистиканинг бошқа институтлар таркибидаги фаолияти”** номли фаслида журналистик фаолият маълум ижтимоий-сиёсий (давлат, иқтисодий, маданий-тарихий, миллий ва б.) шароитда ва аниқ характердаги турли ижтимоий кучлар (синф, партия, касаба уюшмалари, ижодий бирлашмалар) билан биргаликда амалга оширилиши, шулар асосида турли ижтимоий институтлар юзага келиши ҳақида ёзилган. Жумладан, журналистика ҳам жамиятнинг ижтимоий институти сифатида фаолият кўрсатиши, унинг ижтимоий институти сифатида ўз олдига қўйган қатор вазифалари борлиги таъкидлаб ўтилган. “Ижтимоий институти” тушунчаси бошқа соҳалар қаторида журналистикага ҳам ҳуқуқ фанидан кириб келган. У бунда ҳуқуқий меъёрларнинг мажмуи, ижтимоий характернинг ўзаро алоқаларини бошқарувчиси сифатида намоён бўлади. Буларнинг сирасига “жамият институти”, “мерос институти”, “оила институти”, “никоҳ институти”, “фуқаролик институти”, “ижтимоий институти”, “Ярашув институти” кабиларни киритиш мумкин. Бу ерда “ижтимоий институти” тушунчаси ўз мавқеига эга бўлиб, у бошқа фанлар орқали ўрганилади ва кенг маъно касб этади. Ижтимоий институтининг жамиятда эгаллаган ўз ўрни бўлиб, унинг таркибига ижтимоий муассасалар, гуруҳлар ёки бошқа

структуравий институт кўринишига эга бўлган гуруҳлар маълум ҳуқуқий асосларга эга бўлган қоидалар бўйича фаолият юритадилар. Ижтимоий институтнинг асосий вазифаси шундан иборатки, у ёрдамида жамият кўп томонли алоқаларини амалга оширади ва бошқарадиган ҳолатга келади.

Фаслда ижтимоий институтларнинг журналистиканинг информацион коммуникативлик, бошқарувчилик, маънавий ишлаб чиқаришнинг фаол қатнашчиси, одамларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, манфаатлари ҳимоячиси, жамоатчилик орасида фикр уйғотишдаги ўрни, мамлакатимизда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларда босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотларнинг мақсади, мазмун-моҳиятини ошқора ва холис ёритиш борасидаги масъулиятли вазифалари ҳақида атрофлича тўхталиб ўтилган.

Бобнинг **“Журналистиканинг жамиятдаги мақсад ва вазифалари”** деб номланган фаслида журналистика пайдо бўлганидан буён ўзи фаолият юритаётган жамият манфаати йўлида хизмат қилиб келганлиги, журналистиканинг мақсад ва вазифалари ҳақидаги соҳа мутахассисларининг фикрлари инобатга олинган ҳолда, унинг ижтимоий ҳаётни акс эттириш кўринишларидан бири эканлиги, оммавий аудиторияга йўналтирилгани, жамият ҳаётининг барча жабҳаларини ёритиши, долзарб хабарларни йиғиб, қайта ишлаб, газета, радио, телевидение ва бошқа воситалар орқали тарқатиш каби фаолияти ҳақидаги фикрлар айтиб ўтилган ва маълум хулосаларга келинган. Шунингдек, бобда замонавий журналистиканинг мақсад, вазифалари, уларнинг жамият ривожига қўшаётган ҳиссаси, ОАВнинг эмин-эркин фаолият юритиши учун мустақиллик йилларида ҳуқуқий асослар яратилгани, ҳозирги давр талабига жавоб берадиган журналист кадрлар тайёрлаш борасида олиб борилаётган самарали ишлар ҳақида ҳам атрофлича тўхталиб ўтилган.

Фаслда журналистиканинг бошқа институтлар таркибидаги ўрни, фаолияти ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ҳам ўрин олган. Журналистика институтининг ўзига хос томонлари кенг миқёсда талқин этилган. Бунда Ўзбекистонда “тўртинчи ҳокимият”, деб тан олинаётган журналистика институтининг ҳуқуқий-демократик жамият қуришдаги ўрни, айни вақтларда республикамиз оммавий ахборот воситалари соҳасида жамоат, нодавлат институтлари ва тузилмаларини шакллантириш, ривожлантириш ҳамда ижодий фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган амалий ишлар ҳақида атрофлича айтиб ўтилган.

Шунингдек, фаслда Ўзбекистонда журналистиканинг ижтимоий институт сифатида фаолият юритишида муҳим омил ҳисобланган оммавий ахборот воситаларининг ишларига атрофлича баҳо берилган.

Диссертациянинг II-боби **“Демократик ўзгаришлар жараёнида журналистика функцияларининг тутган ўрни”** деб номланган. Бобнинг **“Маълумот етказиш ва маданий–маърифий функцияси”** номли фаслида мутахассисларнинг ҳар бир давр нуқтаи назаридан келиб чиқиб, журналистика функцияларига турлича баҳо беришгани, яқка партиявийликка

асосланган мустабидлик даврида матбуотнинг функцияларини “коллектив тарғиботчи, коллектив ташвиқотчи ва коллектив ташкилотчи” сифатида баҳолашганини. матбуотнинг вазифаси маълум жабҳани тарғибу ташвиқ қилишдангина иборат эмас, балки унинг яна бошқа муҳимроқ вазифалари борлигини вақтнинг ўзи кўрсатиб турганлиги ҳақида ёзилган.

Фаслда ўзбек журналистикасининг функциялари матбуотда ўзига хос тарзда аксини топаётганлиги, соҳа бўйича олим, мутахассислар журналистиканинг функцияларини тажрибаларига суянган тарзда бир неча турларга бўлиб ўрганилгани ҳақида атрофлича баён этилган. Масалан, профессор Е.П.Прохоров, С.Г.Корконосенко ва бошқа бир қатор олимларнинг функциялар ҳақида ўз нуқтаи назарлари бор.

Фаслда журналистика функциялари маълумот етказиш ва маданий-маърифий, ташкилотчилик ва дам олдириш (кўнгилочар) функцияси каби турларга ажратилиб, тадқиқ қилинганлиги ҳамда атрофлича ўрганилганлиги қайд этилган.

Журналистиканинг маълумот етказиш функцияси энг асосий функциялардан бири ҳисобланиб, журналистиканинг биринчи галдаги вазифаси ҳам оммани энг муҳим янгилик, хабарлардан воқиф этиш, шу боис ҳам республика газеталари, радио, телевидение орқали ҳар куни оммага мамлакатимиз ва хорижда рўй бераётган муҳим янгилик ва хабарлар мунтазам равишда етказишдек муҳим вазифалари ҳақида ҳам мисоллар билан ёзилган, фаслда.

Маданий-маърифий функцияда ҳам муҳим жиҳатлар ўз аксини топган. Бунда жамиятнинг тараққий этишида маданият, шунингдек, маърифатнинг салмоқли ўрни борлиги ва улар оммавий ахборот воситаларида кенг қўлланилиши, бу функция орқали жамиятдаги кишиларнинг маданиятли бўлишлари, маърифатга эришишлари учун кенг қўламли ишлар олиб борилаётганлиги ҳақида фикрлар ўз ифодасини топган.

Фаслнинг шу қисмида маданият кенг қамровли тушунча эканлиги, тарихи ҳам узок ўтмишга бориб тақалиши, маданият сўзи кириб борган халқлар тилларида шаҳарлар илм-фан ўчоғи бўлиб келгани таъсирида ушбу тушунча маърифатлилик, билимлилик, тарбия кўрганлик маъноларида ишлатила бошлангани, мутахассислар маданиятга “инсон яратган қадриятлар тизими”, деб ҳам таъриф беришгани ҳақида батафсил баён этилган.

Фаслнинг яна шу қисмида маданият ва маърифат жамият ва индивиднинг маънавий ва сиёсий ривожланишининг умумий шакли сифатида талқин этилиши ва маданиятнинг турли шакллари инсон маданий эволюциясининг тарихий босқичлари сифатида таҳлил этилиши, бугунги кунда маданиятнинг моҳиятини таҳлил қилишга йўналтирилган бир қатор ёндашувлар борлиги, натуралистик ёндашувда маданият инсон табиати ривожланишининг табиий маҳсули, инсон табиати эволюциясининг якуний босқичи деб ҳисобланса, мумтоз ёндашувда маданият инсон ва жамият маънавий ҳаёти билан ойдинлаштирилиши, у табиатдан ташқаридаги ғайритабиий ҳодиса сифатида талқин қилиниши ҳақида ҳам атрофлича айтиб

ўтилганди.

Шунингдек, фаслнинг маданий-маърифий қисмида шундай асосли хулосалар келтириб ўтилган: журналистиканинг маданий-маърифий функцияси энг долзарб ва муҳим бўлиб, фан-техника тараққиёти, ҳаётга янги техника ва технологияларнинг кириб келиши, бир томондан ижтимоий ҳаётимизга ижобий таъсирини кўрсатаётган бўлса, иккинчидан, неча асарлардан буён аждодлари томонидан тўпланиб, асраб келинаётган қадриятларимизга путур етишига олиб келаётганлиги, шу боис, одамларга ана шу қадриятларни сақлаб қолиш, уларни қадрига етишга ундаб турадиган муҳим омиллардан бири ҳам маънавий-маърифий тарғибот ишлари бўлиши лозим.

Бобдаги **“Журналистиканинг ташкилотчилик ва дам олдириш (кўнгилочар) функцияси”** фаслида бу функцияларнинг ўз хусусиятига эгаллиги, ташкилотчилик журналистиканинг ижтимоий институт сифатидаги фаолияти, бизга жамиятдаги маълум муаммоларнинг кўйилиши ва уларнинг ечимини топишга ёрдам бериши ҳам таъкидлаб ўтилади.

Одатда, давлат миқёсидаги расмий ҳужжат, материаллар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади ва уларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига атрофлича тушунтириб беришга тўғри келади. Бу муҳим вазифани ҳам бажариш журналистика, оммавий ахборот воситаларининг зиммасида бўлади. Яна бир жиҳат — кишиларнинг маълум фикри, ғоя, воқелик, масалага муносабатларини ифода этиш журналистика орқали амалга оширилади. Фаслда шунингдек, жамоатчилик томонидан билдириладиган бу фикр, ғояларнинг омма томонидан умумлаштирилиши, мақбул бўладиган томонларининг тарғиб қилиниши, жамиятимиздаги баъзи хато, камчиликларнинг вақтида бартараф этилиши ҳам журналистиканинг ташкилотчилик функциясига кириши асослаб берилган.

Бобдаги дам олдириш (кўнгилочар) қисмида ҳозирги замон журналистикаси оммага фақат маълумот етказиб бериш, кишилар онгига маданият, маърифатни сингдириш, ташкилотчиликни йўлга қўйиш каби вазифалар билангина чекланиб қолмасдан, дам олдиришдек муҳим функцияни ҳам бажариши, шу боис ҳам газета, журналлар саҳифаларида ижтимоий, иқтисодий, маданий, сиёсий, спорт мавзуларига оид мақолалар билан бир қаторда, қизиқарли, кўпчиликни ўзига тортадиган эссе, латифа, шеър, ҳикоя, бошқотирма, кроссвордлар бериб борилиши, бу каби материаллар ўқувчиларни ўзига жалб этиб, уларнинг кайфиятини кўтариши ва иш фаолиятини яхшиланишига ёрдам бериши ҳақида батафсил баён этилган.

Фаслда рекреация (дам олдириш) кўринишидаги материаллар ўқувчи кайфиятини кўтариб, дам олдирибгина қолмасдан, унинг савиясини ошириб, фикр доирасини кенгайтиришга ҳам хизмат қилиши, масалан, телевидение орқали намойиш этилаётган ақлни чархлайдиган интеллектуал ўйинлар, мантиқий сценарий асосида қурилган детектив фильмлар, радио орқали берилаётган мазмунли саволлар асосида тузилган кроссворд, сканвордлар

бларга мисол бўла олиши ҳақида ҳам айтиб ўтилган.

Яна бир жиҳат, дам олдириш (кўнгилочар) қисмида рекреативлик оммавий ахборот воситаларида ҳам ўзига хос тарзда ўз аксини топаётганлиги, инсон ҳаёти ва фаолияти учун оммавий ахборот воситаларининг бу муҳим функцияси ҳам кераклиги, ОАВ фаолиятини фақат жиддий материаллар билан чиқишлардангина иборат, деб ҳам тушуниш керак эмаслиги, дам олдириш функцияси матбуот учун жуда зарурлиги, чунки одамларнинг кун давомида ишлаб, чарчаганларидан кейин мириқиб дам олиш ёки кўнгил очишга интилишлари табиий бир ҳоллиги, бу — газета, журналларда нуқул кўнгилочар мавзуга бағишланган материалларни босиш керак, дегани эмас, меъёрга амал қилиниши ҳақида ҳам айтиб ўтилган ва зарурий тавсиялар берилган.

Хулоса сифатида айтиш керак, бобда журналистиканинг функцияларига алоҳида баҳо бериб ўтилган бўлса-да, функциялар бир-бирига яқин ва шу боис, бири иккинчисини тўлдириб боради.

Жамиятда ижтимоий институт сифатида фаолият юритаётган журналистика ўзининг функциялари орқали жамият ривожини йўлида муҳим, самарали ишларни амалга оширишда алоҳида аҳамият касб этади.

Ишнинг учинчи боби **“Ахборот жамияти юзага келиши жараёнида журналистикага хос принциплар эволюцияси”** деб номланган. Бобда ўзбек журналистикасида принциплар муҳим ўрин тутиши, “принцип”нинг ўзи — фаолият учун асос қилиб олинган маълум қонун-қоида, деган маънони англатиши, ҳар бир ижодкор, журналист журналистиканинг принципларига амал қилган тарзда фаолият олиб бориши ҳақида сўз юритилган.

Бобнинг **“Халқчиллик ва оммавийлик принциплари”** фаслида халқчиллик ва оммавийлик журналистиканинг муҳим принципларидан ҳисобланиши, барча соҳалар каби журналистика ҳам халқ билан тириклиги, у барча манбаларни халқдан олиб, яна халққа бериши, журналистика халқ, унинг манфаатлари учун хизмат қилиши ҳақидаги фикрлар ўз ифодасини топган.

Шунингдек, фаслда журналистика халқчиллик принципи нуқтаи назаридан халқимизнинг тарихи, маданияти, унинг мақсади, хоҳиш-иродасини ўзига хос тарзда ифодалашини, одамларнинг фикрларини ўрганиб, уларни ўз воситалари орқали баён этиши ҳақида ҳам асослаб ёзилганки, булар ҳам халқчиллик принципининг ОАВ учун нақадар аҳамиятли эканлигининг исботидар.

Шу бобда яна бир – **“Холислик, ҳаққонийлик ва бетарафлик принципи”** ҳам ўз аксини топган. Фаслда холислик, ҳаққонийлик ва бетарафлик журналистиканинг муҳим принципларидан ҳисобланиши, инсоният пайдо бўлибдики, у ҳақиқат, адолат ва холисликка интилиши, кишилар орасида баҳс, мунозара, турли тортишувлар одатда ҳаққонийлик, холислик ва бетарафлик асосида бартараф этилгани ва ана шу айтилган принциплар кишилар учун энг муҳим мезон бўлгани, инсониятнинг бу олий қадрияти, принциплари асрлар оша муқаддас ҳисобланиб, асраб-авайлаб

келиниши ҳамда бу қадриятлар бундан кейин ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаслиги ҳақидаги фикрлар ўз ифодасини топган.

“Ватанпарварлик ва байналминаллик принциплари” ҳам муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Фаслда журналистикада ватанпарварлик ва байналминаллик принциплари алоҳида ўрин тутиб келганлиги, журналистларимиз бор маҳоратларини ишга солиб, бу мавзуни мазмунли ва таъсирчан ёритишга ҳаракат қилаётганлиги, журналистикада байналминаллик принципи ҳам долзарб принциплардан бўлиб, у республикада жуда кадрланиши, миллатлараро тотувлик ҳалқимизга хос фазилат бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар бир миллат, элатнинг тенг ҳуқуқлиги таъминланиши алоҳида белгилаб қўйилгани ва бунга барча бирдек амал қилиши ҳақида ҳам батафсил тўхталиниб, буларга мисоллар келтирилган.

Шу бобда **“Партиявийлик принципи: тарихий тадрижи ва ҳозирги замон”** фасли бўлиб, журналистиканинг партиявийлик принципи ҳам ўз ўрнига эгаллиги, Ўзбекистон ўз миллий мустақиллигини қўлга киритганидан кейин фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон аҳолиси турли қатламларининг манфаатларини ифода этиш учун кўппартиявийлик тизими ташкил этилганлиги ҳақида муфассал ёзилган. Шунингдек, фаслда республикада фаолият юритаётган бешта сиёсий партия ҳам Конституция асосида иш олиб бораётганлиги, Ўзбекистонда ҳар бир партиянинг матбуот органи бўлиб, бу газета, журналлар ўз саҳифаларида партиянинг манфаат ва хоҳиш-истакларини ифодалаётганлиги ҳақида атрафлича баён этилган.

Яна, бобда 2004 йилнинг охирида республикада икки палатали парламентга бўлиб ўтган сайлов ва унда сиёсий партияларнинг ўзаро рақобати, парламентдаги ҳар бир ўрин учун кураш олиб борганликлари жонли мисоллар билан асослаб берилган.

Бобда кузатишлар ва тажрибаларга асосланган ҳолда журналистиканинг принципларини халқчиллик ва оммавийлик, холислик, ҳаққонийлик ва бетарафлик, ватанпарварлик ва байналминаллик принциплари кабиларга бўлиб ўрганилгани ва унинг ўрни, аҳамияти ҳақида атрафлича тўхталиб ўтилган.

Масалан, халқчиллик принципи ўз олдида халқ манфаатларини ифода этишни мақсад қилиб қўйган бўлса, холислик, ҳаққонийлик ва бетарафлик принциплари ҳозирги даврда жаҳон миқёсида кечаётган глобаллашув жараёнлари, ахборот маконининг кенгайиб бораётганлиги, айниқса, ёш авлодимизнинг қалби ва онгини асраш, уларни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш, фарзандларимизнинг дунёда рўй бераётган сиёсий жараёнларнинг маъно-мазмуни ва асл сабабларини чуқур англаши ҳақида холис, ҳаққоний маълумотлар беришда асосий шарт ва мезон бўлиши даркорлигини таъминлайди.

Шу маънода, холислик, ҳаққонийлик ва бетарафлик журналистиканинг ўзгармас ва доимий шартлари бўлиб келган ва шундай бўлиб қолиши ҳам керак.

Журналистиканинг партиявийлик принципи ҳам ўз мазмун-моҳиятига эга. Шулардан келиб чиққан ҳолда, бобда Ўзбекистон ўз миллий мустақиллигини қўлга киритганидан кейин фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон аҳолиси турли қатламларининг манфаатларини ифода этиш учун кўппартиявийлик тизими ташкил этилганлиги республикамизда фаолият юритаётган бешта сиёсий партия ҳам Конституция асосида иш олиб бораётганлиги, Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг матбуот органлари бўлиб, бу газета, журналлар ўз саҳифаларида партиянинг манфаат ва хоҳиш-иродаларини ифодалаётганлиги ҳақида атрофлича баён этилган.

Шунингдек, бобда 2004 йилнинг охирида республикамиз тарихида илк бор икки палатали Парламентга бўлиб ўтган сайлов ва унда сиёсий партияларнинг ўзаро рақобати, парламентдаги ҳар бир ўрин учун кураш олиб борилгани жонли мисоллар асосида кўрсатиб берилган.

